Истиқболда қишлоқ хўжалигининг асоси сифатида нафақат деҳқон ва фермер хўжаликлар, балки йирик агрохолдинг компаниялар, қишлоқ хўжалигининг давлат – илмий тадқиқот – қайта ишлаш – бизнес каби субъектларнинг ўзаро бозор тамойилларига мос муносабатларни мужассамлаштирган агрокластерлар ҳамда инновацион инфратузилма таркибига кирувчи агротехнопарклар, технополислар, бизнес-инкубаторлар ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2016 —

2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарорига кўрсатилган вазифалар доирасида ҳамда Прогнозлаш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти томонидан ишлаб чиқилган “2012-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш Концепциясига” асосан 2020 йилга келиб ЯИМга нисбатан илмий – техник ишланмаларга сарфланган харажатларни 3%га, инновацион маҳсулотлар ҳажмини эса 22%га етказиш мақсадида истиқболда қишлоқ хўжалиги ҳамда унга хизмат кўрсатувчи инфратузилма объектларини инновацион ривожлантириш қуйидаги мақсадларни амалга ошириши лозим:

- маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши, маҳсулот сифати, рақобатбардошлиги ҳамда самарадорлигининг ошириши, мамлакат озиқ-овқат ҳавфсизлигининг таъминланиши;

- аграр соҳани бошқариш тизимини ва давлат томонидан тартибга солиш самарадорлигини такомиллаштириб бориш.

Ушбу мақсадларни амалга ошириш қуйидаги вазифаларни ҳал этиш орқали амалга оширилади:

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми ва самарадорлигининг ошириши;

- аграр соҳага хизмат кўрсатувчи инфратузилма хизматлари ҳажми, тури ва самарадорлигини ошириш;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш соҳаларини инновацион технологиялар асосида ривожланиши;

- агрохолдинг, агрокластер ва тармоқлараро кооперативларни ташкил этиш ва жадал ривожлантириш;

- молиялаштириш ва кредитлаш тизимларини янада ривожлантириш;

- инновация ва инновацион технологияларини ишлаб чиқаришга жорий этиш ва улардан самарали фойдаланиш.

Хулоса. Ўзбекистонда аграр соҳа ва унга хизмат кўрсатувчи инфратузилма объектларини инновацион ривожлантириш учун барча имкониятлар мавжуд. Хусусан, 2000 йилдан буён қишлоқ хўжалигининг ўртача ўсиш суръати 6%ни ташкил этмоқда, инновацион ривожлантириш учун бир қатор ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган, аграр соҳада янги техника ва технологияларни жорий этиш амалиёти йўлга қуйилганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-2021 йилларда қишлоқ хўжалигини ислоҳ этиш ва инфратузилма фаолиятини инновацион ривожлантиришда айнан инновацион технологияларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш, илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро интеграциясини таъминлаш, тармоқнинг ички ва экспорт салоҳиятини ошириш, ишлаб чиқаришни диверсификациялаштиришни чуқурлаштириш орқали тармоқнинг янада барқарор ривожланиши ва рақобатбардошлиги таъминланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ш.М.Мирзиёев. Ризқ-рўзимиз бунёдкори бўлган қишлоқ хўжалиги ходимлари меҳнатини улуғлаш, соҳа ривожини янги босқичга кўтариш – асосий вазифамиздир. 9.12.2017
2. Карташов Е.Ф. Модернизация сельскохозяйственного производства на основе трансфера инновационных технологий // Фундаментальные исследования. – 2012. – № 11 (часть 2). 493-497 с.
3. Артемова Е. Экономические аспекты инновационного развития животноводства (теория и практика): автореф. дис.докт. экон. наук / Е. Артемова. – Краснодар, 2008. – 46 с.
4. Шлепкин А.К., Паршуков Д.В. Формирование инновационной инфраструктуры АПК Красноярского края/ В е с т н и к К р а с н о г о А У. 2 0 1 1. №12. 428 с
5. http://agro.uz/uz/information/about_agriculture/441/8208/ маълумотлари
6. <http://www.fao.org/docrep/016/j7714e/j7714e.pdf>. K.Laxminarayana Rao. Agro-industrial parks Experience from India, Rome, 2006.10

УДК: 631.1:631.587(575.1)

СОВРЕМЕННОЕ СОСТОЯНИЕ И СТРУКТУРА ЗЕМЕЛЬНЫХ УГОДИЙ В ОРОШАЕМОЙ ЗОНЕ УЗБЕКИСТАНА

А. Рамазанов - д.с.х.н., профессор

Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства

Аннотация

Мақолада республиканинг суғориладиган деҳқончилик минтақасида ер турлари таркиби ва ўзгариши таҳлил қилинган. Қишлоқ хўжалигида мавжуд заҳиралардан “экстенсив” тартибда фойдаланилганда тупроқларнинг маҳсулдорлиги пасайиш сабаблари ва ишлаб чиқариш амалиётида кузатилаётган салбий асоратлари аниқланган. Бозор муносабатлари ва сув танқислиги шароитида минтақада вужудга келган вазиятни мақбуллаштириш, аграр соҳани барқарор ривожланишини таъминлайдиган таркибий-бошқарув, ташкилий-технологик тадбирларни ишлаб чиқариш амалиётида кенг миқёсда қўллаш илмий асосланган.

Abstract

In the article analyzes dynamics and structure of land in the irrigated zone of Uzbekistan. The causes and consequences of the decrease in their productivity are revealed at the "extensive" use of available land resources. The necessity of improving the use of land resources is substantiated by introducing modern structural, managerial and organizational-technological methods into the broad production practice that ensure sustainable development of the agricultural sector of the economy in conditions of market relations and water scarcity use.

Аннотация

В статье анализируется динамика и структура земельных угодий в орошаемой зоне Узбекистана. Выявлены причины и последствия снижения их продуктивности при «экстенсивном» использовании располагаемых земельных ресурсов. Обоснована необходимость совершенствования использования земельных ресурсов путем внедрения в широкую производственную практику современных структурно-управленческих и организационно-технологических приемов, обеспечивающих устойчивое развитие аграрного сектора экономики в условиях рыночных отношений и дефицитного водопользования.

В Конституции, Земельном Кодексе и других нормативных актах Республики Узбекистан закреплено положение о том, что земля и другие природные ресурсы являются общенациональным богатством, подлежат рациональному использованию и охраняются государством как основа жизни и благосостояния народа. Решение этой важной государственной задачи предусматривает совершенствование и модернизацию использования располагаемых земельно-водных ресурсов, повышение их продуктивности путем внедрения в широкую производственную практику современных организационно-управленческих приемов землепользования, ресурсосберегающих технологий водопользования в орошаемой зоне республики, где производится более 90% валовой продукции аграрного сектора экономики. Орошаемое земледелие позволяет получать самые высокие и гарантированные урожаи возделываемых культур, которые в 3-5 раза выше, чем в богарном земледелии, широко использовать повторные и уплотненные посевы, наиболее эффективно использовать земельные ресурсы.

Сопоставление и анализ динамики структуры и площадей земельных угодий при существующих формах организации территорий и ведения сельскохозяйственного производства свидетельствует о существенном их изменении в разрезе областей расположенных по стволу основных водотоков-рр.Сырдарья, Амударья за истекший период. Принятый в советское время метод «экстенсивного» использования земельных ресурсов - увеличение орошаемых земель за счет освоения целинных, залежных массивов с достаточно высоким удельным весом хлопчатника не соответствовало основополагающим принци-

пам и требованиям их эффективного, высокопродуктивного использования. Из-за диспропорции в масштабах и темпах освоения новых земель и возможностей располагаемых водных ресурсов в равнинной части республики сложилась достаточно сложная водохозяйственная и эколого-мелиоративная обстановка. При интенсивном темпе увеличения орошаемых земель среднепогодная водность основных водотоков - рр.Сырдарья и Амударья за исключением отдельных периодов практически не менялась.

В сложившейся обстановке лимитирующим фактором устойчивого функционирования аграрного сектора и других отраслей народного хозяйства, обеспечения продовольственной безопасности республики является уровень водообеспеченности территории, который более 40 лет испытывает устойчивый во времени и пространстве дефицит воды. Из-за нехватки речной воды в большинстве массивах Голодной, Джизакской и Шерабадской степей, низовьях Амударьи не соблюдается оптимальный режим орошения возделываемых культур. На подверженных засолению землях промывные поливы или промывной режим орошения, как основной агро-мелиоративный прием уменьшения воднорастворимых солей в корнеобитаемой толще почвы не проводится или проводится на ограниченных площадях с недостаточной нормой воды.

После приобретения республикой политической и экономической независимости, формирования современных форм землепользования, диверсификации производства продуктов растениеводства, животноводства и других отраслей аграрного сектора в условиях рыночных взаимоотношений в целом наметилась тенденция увеличения

площадей пашни. В составе возделываемых культур помимо хлопчатника и озимой пшеницы, имеющих стратегический статус увеличиваются посевные площади с зерно- бобовыми, овоще-бахчевыми, кормовыми растениями и плодово-ягодными насаждениями. Этот процесс наиболее ощутимо прослеживается на территориях, где культура орошаемого земледелия имеет многовековую историю и эколого-мелиоративная обстановка относительно стабильна (Табл.1).

При отмеченных выше тенденциях пространственно-го изменения структуры и площадей земельных угодий в широкой производственной практике в целом и особенно в равнинной части орошаемой зоны (пустынной зоне) производительная способность почв сравнительно низка. Так, балл бонитета орошаемых почв в разрезе времени (1985-2016 гг.), так и в пространстве - расположенности территорий по стволу основных водотоков устойчиво снижается. В целом по республике балл бонитета почв за сопоставляемый период снизился с 46-70 до 41-60. (4,5).

По данным многолетних опытно-производственных исследований сотрудников НИИССАВХ (НИИ селекции, семеноводства и агротехники выращивания хлопчатника) на зональных опытных участках при соответствующей агротехнике районированных сортов хлопчатника можно получать 37-47 ц/га урожая (6). В широкой производственной практике урожайность хлопчатника в бассейне Сырдарьи варьирует в пределах 19-29 ц/га, реки Амударья 19-28 ц/га, что на 26-53% и 28-48% ниже от потенциально возможного на аналогичных почвах соответственно (Табл.2).

Низкая производительная способность находящих-ся в сельскохозяйственном обороте орошаемых земель

также обусловлена низким уровнем технической эксплуатации существующих ирригационных и гидромелиоративных систем различного уровня, нерациональным использованием выделяемой по лимиту воды фермерскими, дехканскими хозяйствами и другими причинами организационно-управленческого и технологического порядка. Так, в республике по результатам инвентаризации мелиоративного состояния орошаемых земель (январь, 2014г.) площади с неудовлетворительным состоянием по сравнению с предыдущим периодом (2002-2011гг.) с 413,7 тыс.га увеличилась до 456,8 тыс.га, из которых 66,8% расположены на территории Республики Каракалпакстан, Кашкадарьинской, Джизакской, Ферганской и Хорезмской областях. Основными причинами неудовлетворительного состояния земель в данных областях являются: высокий уровень грунтовых вод (УГВ), засоление, нехватка воды и неудовлетворительное состояние гидротехнических сооружений (ГТС). Неблагоприятное состояние земель Бухарской и Наманганской области вызвано наличием больших площадей каменистых и гипсоносных почв, Андижанской - поднятием УГВ, Сырдарьинской - засолением, Самаркандской и Сурхандарьинской - нехваткой воды и неудовлетворительным состоянием ГТС (Табл.3).

Не умаляя значимость, состав, объем и масштабность выполняемых по Государственной программе (1,3) работ в орошаемой зоне республики хотелось бы особо подчеркнуть следующее. Проводимые в орошаемой зоне республики мероприятия за счет средств Мелиоративного фонда нацелены на решение следующих «принципиальных» задач:

-«...качественное совершенствование механизмов...»

Таблица 1

Структура и динамика земельных угодий

Бассейн реки	Расположение по стволу рек	Годы	Площадь орошаемых земель, тыс. га	В том числе, тыс.га					
				Пашня	Многолетние насаждения	Залежи орошаемые	Пастбища и сенокосы	Приусадебные земли	Лесонасаждения
р.Сырдарья	верхнее	1973	778,9	678,0	45,5	0,2	-	56,1	104,9
		2016	925,8	642,7	123,0	3,2	4,9	128,6	22,1
	среднее	1973	711,7	728,9	54,5	2,8	-	42,8	188,0
		2016	987,0	809,7	64,2	11,4	1,4	84,6	11,9
р.Амударья	верхнее	1973	214,3	233,1	10,1	0,1	-	12,7	155,6
		2016	325,6	240,4	31,5	-	-	50,4	3,3
	среднее	1973	762,2	1236,2	71,7	0,1	-	51,3	302,9
		2016	1293,9	962,0	127,5	18,2	-	170,3	14,0
	нижнее	1973	400,4	369,8	10,6	0,2	0,7	20,9	312,0
				775,7	624,2	21,2	14,0	36,6	78,3

Таблица 2

Производительная способность орошаемых почв и урожайность хлопчатника

Показатели	Годы	Бассейн р.Сырдарья		Бассейн р.Амударья		
		верхнее течение	среднее течение	верхнее течение	среднее течение	нижнее течение
Балл бонитета	1985	60-70	54-66	70	46-57	46-56
	2016	56-60	51-59	56	51-59	41-54
Опыт, ц/га	2016	37-43	41-42	39	37-44	38-47
Производства, ц/га	2016	27-29	19-25	28	24-31	19-25

поддержания мелиоративных сетей, обеспечивающего их эффективное функционирование, а также «...нормативный...» отвод дренажных и сбросных вод через коллекторно-дренажную сеть (КДС);

-учет и оценка эксплуатационной надежности ирригационно-мелиоративной системы, необходимости проведения их ремонта и восстановления, а также строительства и реконструкции «...с позиции обеспечения и поддержания благоприятного мелиоративного состояния орошаемых земель...».

Судя по официально опубликованным данным, выделяемые финансовые и материально-технические ресурсы в настоящее время в основном направлены на ремонт и восстановление работоспособности ирригационных и гидромелиоративных систем межхозяйственного и магистрального уровня. Доля затрат на восстановление работоспособности внутрихозяйственных ирригационно-мелиоративных систем не превышает 18-20% от общего объема работ, выполняемых ежегодно. К сожалению, до настоящего времени у специалистов водохозяйственного комплекса различного уровня сформировалось твердое и необоснованное убеждение о том, что «мелиоративное

улучшение орошаемых земель» - это доставка воды потребителю и восстановление работоспособности существующей сети коллекторов и дрен. Это далеко не так. КДС создают лишь условия (в основном первичные и собирательные дрены) для рассоления корнеобитаемой толщи-зоны аэрации только при эксплуатационных промывках с соответствующей нормой воды в зависимости от степени засоления или промывном режиме орошения возделываемых культур (т.е. подачи на поле от 10 до 30% больше воды от их биологической потребности).

Сложность водохозяйственной и эколого-мелиоративной обстановки усугубляется и тем, что на всех массивах с засоленными почвами наблюдается устойчивый во времени процесс осолонцевания. Этот процесс наиболее четко прослеживается в пустынной зоне республики, где в силу изменения режима увлажнения почвы от автоморфного к полугидроморфному и гидроморфному также изменилась направленность гидрохимических процессов в системе «почва - грунтовые воды». В силу обменных реакций между солями, имеющимися в различной степени минерализованных грунтовых водах, происходит насыщение почвенно-поглощающего комплекса катионами

Таблица 3

Мелиоративное состояние орошаемых земель республики на 1 января 2014 года

Административно-территориальное распределение бассейна рек		Площадь орошаемых земель, га	Выявленные в результате инвентаризации площади с неудовлетворительным состоянием земель, га	В том числе							
По стволу реки	Области			Земли с неблагоприятным мелиоративным состоянием	Непригодные в результате нехватки воды, неудовлетворительного состояния ГТС**	Непригодные в результате нерабочего состояния мелиоративной сети	Неиспользуемые в результате высыхания родниковых вод	Эродированные почвы (смыв посевных земель вдоль рек)	Каменистые и гипсоносные почвы	Непригодные земли в результате неиспользования под посевы с/х культур	Неиспользуемые земли
Бассейн р.Сырдарьи											
Верхнее течение	Андижанская	233400	16871	9620	6359	12		168	712		
	Наманганская	234600	20092	6052	11017	12		20	2831	134	26
	Ферганская	337400	31658	14636	15915	348		758			
Среднее течение	Ташкентская	221000	19997	6459	11037	160		123	1678	73	467
	Джизакская	276500	41531	12706	22196	6466	14		119	10	20
	Сырдарьинская	266400	19104	11802	5962	88		2		1225	25
Бассейн р.Амударьи											
Верхнее течение	Сурхандарьинская	270500	23236	10975	10357	599	103	315	876		11
Среднее течение	Бухарская	226600	20903	8156	9054	945		270	2478		
	Кашкадарьинская	458200	60554	22007	30717	6228		6	542	6	1048
	Навоийская	107000	10030	4015	5119	16	81		176	623	
	Самаркандская	308700	21401	6819	12133	893		15	1523		16
Нижнее течение	Каракалпакстан	476300	141490	60867	55246	3359				21863	155
	Хорезмская	298300	29992	17252	12395	167			176	2	
Итого по республике		3714900	456859	191366	207507	19293	198	919	11871	23936	1768

натрия или магния с соответствующим изменением их водно-физических и химических свойств в корнеобитаемой толще почвы.

Дело в том, что состав агромелиоративных и технологических приемов восстановления производительной способности засоленных и солонцеватых почв существенно различаются по физико-химической сущности их влияния на процессы, протекающие в корнеобитаемой толще при их реализации. На засоленных или подверженных вторичному засолению почвах агро- и гидромелиоративные приемы: капитальные, эксплуатационные промывки, промывной режим орошения возделываемых культур, соответствующая мощность дренажа, разновидности фитомелиораций - направлены на уменьшение содержания токсичных воднорастворимых солей в корнеобитаемой толще до оптимальных пределов. На солонцеватых почвах рассолительным мероприятиям должны предшествовать приемы, создающие в среде условия для обменных реакций - вытеснения из почвенного поглощающего комплекса катионов натрия или магния путем внесения различных мелиорантов химического или органоминерального происхождения.

В свете изложенных выше суждений и требований современности совершенно очевидна необходимость уточнения основных параметров Государственной программы по «...коренному совершенствованию систем мелиоративного улучшения земель...» с учетом требований, сформулированных в Указе Президента Ш.М.Мирзияева «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на период 2017-2021 гг. (2).

Выводы. В аграрном секторе экономики, основным средством производства, обеспечивающего рентабельность отрасли является почва и ее производительная способность. В условиях расширяющегося мирового кризиса стратегия планирования и использования располагаемых земельных ресурсов, повышения их продуктивности при дефицитном водопользовании должны опираться на адекватные организационно-управленческие структуры и технологическо-производственные циклы в системе «вода-почва-растение», обеспечивающие устойчивое, высокорентабельное производство в орошаемой зоне в ближайшей и дальней перспективе.

Список использованной литературы:

1. Указ Первого Президента Республики Узбекистан И.А.Каримова «О мерах по коренному совершенствованию систем мелиоративного улучшения земель за №3932 от 29.10.2007г.
2. Указ Президента Республики Узбекистан Ш.М.Мирзияева «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на период 2017-2021 гг. за №4947 от 7 февраля 2017г.
3. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан «О коренном улучшении мелиоративного состояния орошаемых земель на период 2008-2012гг. за №3239 от 29.10.2006г.
4. Земельный фонд Узбекской ССР по состоянию на 1 ноября 1973г. Ташкент, 1974.
5. Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари ҳолати тўғрисида Миллий ҳисобот. Тошкент, 2017.
6. Пахтачилик энциклопедияси. Ташкент. 2016.

УДК: 528.4 :332.3:004 (575.1)

ЕР КАДАСТРИ АХБОРОТ ТАЪМИНОТИ - ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШНИ БОШҚАРИШДА МУҲИМ ОМИЛ

Қ.Рахмонов - и.ф.н., доцент

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти

Аннотация

Ер ахборот тизими ҳозирги даврда фаолиятнинг барча соҳаларида кенг кўламда фойдаланилмоқда. Жумладан, бу жараёнда давлат ва ҳудудий миқёслардаги ер тузиш ва кадастр тизими қамровидаги лойиҳалаштириш ишларида ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатида олиш, ер ҳисоби ва баҳолаш, ерлардан фойдаланишни прогноزلаш ва режалаштириш, ер мониторингини юритиш соҳалари алоҳида аҳамият касб этади. Ер ресурсларидан фойдаланишни бошқариш, энг биринчи навбатда, ушбу ер майдонлари тўғрисидаги ишончли ва зарурий ахборотларни талаб қилади. Бундай ахборотлар, албатта, давлат ер кадастри ёрдамида таъминланади. Эътироф этиш зарурки, ердан фойдаланишни бошқаришнинг кўп қиррарилиги турли-туман ер кадастри ахборотларига бўлган талабни аниқлайди. Шу сабабли ҳам мамлакатимизда ер кадастрини юритилишга алоҳида аҳамият берилади. Демак, ер ресурсларидан фойдаланишни бошқариш учун улар тўғрисидаги ер кадастри ахборот таъминотини замон талаби даражасида шакллантириш ва тизимли жорий этиш зарурияти долзарб масалалардан ҳисобланади.

Abstract

It is known that at the present time, in all the industries widely used data Sealine information system. Thus, particularly urgent projects which deals with issues of registration of rights to land plots, registration and qualitative assessment of lands in the land management and land cadastre projects, as well as the prediction and planning of land use and land monitoring in national and regional scales. Rational management of land resources primarily provide the necessary and accurate information. This information appears in the process of carrying out cadastre works. It should be noted that the diversity management of land resources requires the consumption of a variety of land cadastre information. Therefore, in the country, special attention is paid to the maintenance of cadastre works. For rational management of land resources requires the formation of information system of providing land cadastre at the level of modernity and their implementation.

Аннотация

В настоящее время во всех отраслях производства широко используются данные земельно-информационной системы. При этом, особую актуальность приобретают проектные разработки, где рассматриваются вопросы регистрации прав на земельные участки, учёт и качественная оценка земель в составе землеустроительных и земельно – кадастровых проектов, а также вопросы прогнозирования, планирования использования земельных ресурсов и мониторинга земель в республиканском и региональных масштабах. Для рационального управления земельными ресурсами требуется обеспечение необходимых и достоверных информации, которые образуются в процессе проведения земельно – кадастровых работ. Многогранность управления земельными ресурсами требует обеспечения различных земельно-кадастровых информации, поэтому в стране особое внимание уделяется ведению земельно – кадастровых работ. Рациональное управление земельными ресурсами требует системного формирования информационного обеспечения земельного кадастра на уровне современности и их внедрения.



Кириш. Ер ахборот тизими бугунда фаолиятнинг барча соҳаларида кенг кўламда фойдаланилмоқда. Жумладан, давлат ва ҳудудий миқёслардаги лойиҳалаштиришлар соҳасида, ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатида олиш, ерларни баҳолаш, ерлардан фойдаланишни башоратлаш ва режалаштириш, ер мониторингини юритиш соҳалари алоҳида аҳамият касб этади. Ер ресурсларидан фойдаланишни бошқариш, энг биринчи навбатда, ушбу ер майдонлари тўғрисидаги ишончли ва зарурий ахборотларни талаб қилади. Бундай ахборотлар, албатта, давлат ер кадастри ёрдамида таъминланади. Эътироф этиш зарурки, ердан фойдаланишни бошқаришнинг кўп қиррарилиги турли-туман ер кадастри ахборотларига бўлган талабни аниқлайди. Шу сабабли ҳам мамлакатда ер кадастрини юритилишга алоҳида аҳамият берилади. Юқорида қайд қилинганидек, ер ресурсларидан фойдаланишни бошқариш учун улар тўғрисидаги ахборотлар зарур.

Мамлакат ер фондидан фойдаланишни бошқариш - бу давлатнинг тегишли қонунчилигига мос тарзда белгиланган идоралар томонидан ер майдонларидан фойдаланишни оқилона ташкил этиш ва тегишли ваколатларга эга бўлган хизматлар томонидан ердан фойдаланишни давлат назоратини ўрнатишдан иборатдир. Маълумки ер ресурслари барча ишлаб чиқариш тармоқлари орасида тақсимланган бўлиб, ундан ҳар хил мақсадда, хусусан аҳоли яшаш жойлари ва ноқишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш объеклари жойлашган ўрни, қишлоқ хўжалик корхоналарида эса асосий ишлаб чиқариш воситаси сифатида фойдаланилади. Бундай ахборотлар ер участкаларининг табиий, хўжалик ва ҳуқуқий ҳолатлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади. Шу билан бир қаторда, ер кадастрининг мазмуни атроф табиий муҳитнинг ҳолати ва иқтисодий муносабатларнинг ўзга-

риши таъсири остида ўзгаради. Бу ва шунга ўхшаш сабаблар ер ресурсларидан фойдаланишни бошқаришни ер-ахборот базаси сифатида ер кадастри ахборотларининг тизимини яратиш ва шундай ахборот таъминоти асосида бошқаришни амалга оширишни кўзда тутаяди.

Бозор ислохотларининг чуқурлашуви, ер муносабатларининг такомиллашуви қараб ерларнинг ҳуқуқий ҳолатига доир ахборотларнинг аҳамияти ортиб боради. Бу эса ер ресурсларидан фойдаланишни бошқаришда уни доимо ҳисобга олиб боришни талаб қилади. Ер-ахборот базасининг таъминотини жадаллашуви, тезкор вазиятни тавсифловчи, ишончли маълумотларни мунтазам йиғиб борилиши, унинг ўз вақтида ва сифатли таҳлил қилиниши ҳозирги шароитда ер участкаларини хусусийлаштиришга оид ер-ахборот базасини яратишнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Ахборот жараёнларини автоматлаштириш компьютер техникасини жорий этишга, маълумотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва унинг асосида маълумотларни бериш автоматлаштирилган тизимларини яратишга бевосита боғлиқдир.

Методология. Ер-ахборот базасини такомиллаштириш масаласини муваффақиятли ҳал этиш учун ахборот технологияларидан фойдаланишнинг амалий кўникмаларига эга бўлган кадрлар тайёрлашни талаб этилади. Ер ҳисобини, уни ташкил этиш ва технологиясини, шунинг-дек натижаларини назорат қилишни махсус технология асосида такомиллаштириш ер ресурсларининг миқдорий ва сифат хусусиятларини яхшилашнинг муҳим йўналиши ҳисобланади. Бунда, масалан, маъмурий туман ер майдонларини инвентаризациялаш, сифатини аниқлаш ва шу асосда ер ҳисобини такомиллаштириш, уларни бошқаришнинг ишончли ва сифатли ахборот-таҳлилий тизимини барпо этишнинг зарурий шarti бўлади.

Замонавий компьютер дастурларига асосланган ер-ахборот

базасини яратишдан мақсад ер участкаларини хусусийлаштириш билан иш олиб борувчи ҳамда шу соҳани бошқариш, режалаштириш ва назорат қилиш бўйича турли-туман масалаларни ҳал қилувчи турли даражадаги маъмурий-хўжалик хизматларини ишончи, кўп қиррали ахборотлар билан таъминлашдан иборатдир. Ер участкаларининг қиймати тўғрисидаги ахборотлар ҳам бугунги иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шароитида жуда муҳим ахборотга айланмоқда. Айнан ушбу ахборотлар ердан фойдаланганлик учун тўловлар миқдорларини белгилашда, ипотека, суғурта масалаларини ҳал қилишда, қишлоқ хўжалиги ерларини бошқа мақсадлар учун ажратишда ўрнини қоплаш харажатларининг миқдорларини аниқлашда муҳим амалий аҳамиятга эга бўлмоқда.

Ер кадастри ахборотлар тизими қатор ўзига хос хусусиятларга эгадир. Уларга қуйидагиларни киритиш мумкин: кадастр кўрсаткичлари тизимининг мураккаблиги, ахборотларни турли шаклларда тақдим этилиши, тизимни автоматлаштириш (компьютерлаштириш)нинг зарурлиги. Айнан ушбу хусусиятлари ер ресурсларидан турли жабҳаларда турлича фойдаланишни бугунги шароитида оқилона бошқариш тизимини яратишда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Тадқиқот натижасининг тадбиғи. Олиб борилган тадқиқотлар кўрсатадики, юқоридаги ахборотлардан алоҳида-алоҳида тарзда фойдаланиш бошқаришни яқдил равишда амалга оширишга имкон бермайди. Шуни эътиборга олган ҳолда ушбу ахборотларни биргаликда, комплекс равишда қўллаш мақсадида шундай бир ахборотлар базасини яратиш зарурки, бундай база ер ресурсларидан фойдаланишни бошқаришда энг мақбул тизимга эга бўлиши зарур. Бу тизим ер-ахборот базасининг компьютерлашган тизимини ташкил этади. Шу технологияга асосланган тизимгина ер- кадастри ахборот базасининг маълумотларини заруриятга қараб тезкорликда янгиллаб туриш, қайта ишлаш, бир тизимга келтириш имконини беради. Ушбу тизим ер ресурсларидан фойдаланишни оқилона ва самарали бошқаришда муҳим аҳамиятга эга.

Ер ресурсларини бошқаришда маҳаллий ҳокимият органларининг вазифалари Ер кодексининг 5, 6 ва 7-моддаларида қайд этилган (1).

Давлат бош ислохотчи сифатида ҳар бир соҳада бўлгани каби ер муносабатларида ҳам маълум ваколатларга эга, ушбу муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари белгилаб қўйилган. Жумладан, тупроқ унумдорлигини ошириш, ердан оқилона ва самарали фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш; ер ресурсларидан белгиланган мақсадда фойдаланиш устидан давлат назоратини ўрнатиш; ер тузиш ва ер мониторингини ўтказилишини ҳамда давлат ер кадастрини юритишни ташкил этиш; ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини, шунингдек ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқларини белгиланган тартибда Ер кодексининг 36-моддасига кўра бекор қилиш вазифалари туман, шаҳар ва вилоят ҳокимияти органларининг ваколатларига киради (1).

Шунингдек, ер кодексининг юқорида таъкидланган 5-моддасида вилоятлар, Тошкент шаҳар давлат ҳокимияти органларининг ер кадастри ахборот таъминотида оид ваколатлари қуйидагича белгиланган:

- юридик шахсларга қишлоқ хўжалик эҳтиёжлари ҳамда бошқа давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун эгалик қилиш ҳамда фойдаланиш учун ижарага ер бериш;

- ўлчамларидан қатий назар барча ерларни олиб қўйиш (алоҳида қимматга эга муҳофаза этиладиган ҳудудлар);

- дипломатия ваколатхоналари ҳамда уларга тенглаштирилган Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган халқаро ташкилотлар мазкур ваколатхоналарнинг биноларини, шу жумладан ваколатхона бошлиғи қароргоҳини қуриш учун ер участкаларини мулк этиб реализация қилиш каби вазифалар юқлатилган.

Туман, давлат ҳокимияти органларининг ердан фойда-

ланишни бошқариш соҳасидаги ваколатлари шу кодекснинг 6-моддасида таърифланади:

- фуқароларга, юридик шахсларга эгалик қилишга, фойдаланишга ва ижарага ер бериш, шунингдек тўбдан яхшилаш ишлари амалга оширилган суғориладиган ерлар пичанзорлар ва яйловлардан ташқари ерларни, ўрмон ўсимликлар билан қопланган ерлардан ташқари ўрмон фонди, sanoat, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерларни, сув фонди ерларини олиб қўйиш-ҳар бир ер эгасига ва ердан фойдаланувчига ўн гектаргача ўлчамда;

- фуқароларга фермер хўжалиги юритиш учун ерни ижарага бериш;

- ер участкасини юридик шахсларга захира ерлардан ер участкасининг ўлчамидан қатъий назар, эгалик қилишга ижарага ер бериш;

- ер участкаларини савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси бўйича объектлари билан биргаликда юридик ва жисмоний шахсларга мулк этиб реализация қилиш;

- ер участкасини бўлган ҳуқуқлар ҳамда уларга оид битимларнинг давлат рўйхатига олинишини таъминлаш;

- қишлоқ хўжалиги ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари ташкил этилган, қайта ташкил этилган ва тугатилган ҳолларда, уларнинг ерга эгалик қилиши ва ердан самарали фойдаланиши масалаларини ҳал этиш белгиланган муддатларда бажариш.

Шунингдек шаҳар давлат ҳокимияти органларининг ер участкаларини рўйхатга олишни назорат қилиш бўйича ваколатлари ер кодексининг 6-моддасида қуйидагича келтирилган.

- ер участкасини ўлчамидан қатъий назар шаҳар чегараси доирасида эгалик қилишга, фойдаланишга ва ижарага ер бериш, шунингдек ерни олиб қўйиш, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ерлари бундан мустасно;

- ер участкасини савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари билан биргаликда юридик ва жисмоний шахсларга мулк этиб реализация қилиш;

- ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар ҳамда уларга оид битимларнинг давлат рўйхатига олинишини ташкил этиш ишларини амалга ошириш;

- ер тузишни, ер мониторингни ўтказилишини ва давлат ер кадастрини юритилишини ташкил этиш ишларини амалга ошириш.

Хулоса. Юқорида қайд этилган ер кадастри ахборот таъминотида оид давлат органларининг ваколатлари, вазифалари замирида ҳар бир ердан фойдаланувчи субъектнинг ҳуқуқий ҳимояси ва уларнинг ердан фойдаланишдаги маъсулиятини оширади деб ҳисоблаймиз. Хозирги кунда маҳаллий ҳокимият органларининг асосий вазифаларидан бири қишлоқ хўжалиги ерларидан янада самарали фойдаланишни ташкил этиш ҳисобланади. Ушбу ваколатларга эга маҳаллий ҳокимият органлари томонидан ер муносабатларини тартибга солиш қонун доирасида ҳал қилиниши белгилаб берилган. фермер томонидан шартномада назарда тутилган тегишли мажбуриятлар қабул қилинган ҳолда ташкил этилади”.

Мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ер ресурсларидан янада самарали, оқилона ва унумли фойдаланишда ер кадастри ахборот таъминотида маҳаллий ҳокимият органларининг маъсулияти юқори эканлиги ўз таъсидини топди. Демак, маҳаллий ҳокимият органлари мамлакатимизда ер ресурсларини бошқаришда ва уларни тўғри тақсимлашда бош назоратчи бўлибгина қолмай, ер эгалари манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилишда муҳим ижтимоий бўғин ҳисобланади. Умуман олганда ҳозирги даврда ер муносабатларини, давлат органлари томонидан мувофиқлаштиришга қаратилган чора тадбирлар доимо, юқори самара бериши билан бирга ерни ўз эгаси томонидан эъзозланишига ҳам замин яратади деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси. “Ўзбекистон”, Т.: 1998.
2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. “Ўзбекистон”, Т.: 1995.
3. Бобожонов А.Р., Рахмонов Қ., Ғофиров А.Ж. Ер кадастри. Ўқув қўлланма.Т.:ТИМИ, 2008 й. -208 б.

УДК: 528.4 :631.1 (575.1)

ЕР УЧАСТКАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРТЛАРИ, МЕЗОНЛАРИ ВА ОМИЛЛАРИ

Қ.Рахмонов - и.ф.н., доцент

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти

Аннотация

Ер участкаси ўзининг моҳияти, мақсади ва вазибаларига кўра таърифланади. Ўз навбатида ҳар битта ер участкаси бир нечта ер контурларидан таркиб топади. Албатта, бунда ер участкасининг эгаси, ундан фойдаланиш мақсади ва вазибаларидан фарқли ўлароқ унинг худудида ўзга ердан фойдаланувчилар мавжуд бўлган тақдирда мос равишда уларга тегишли ер контурлари ва уларнинг майдонлари таққик қилинаётган худуднинг таркибига киритилмайди. Чунки, бунда ўзга ердан фойдаланувчиларнинг ер майдонлари алоҳида ўрганиш объекти сифатида намоён бўлади. Маълумки, ер участкаси ер кадастри ахборот таъминотининг бирламчи ахборотлар базасининг объекти сифатида тушунилади. Шу сабабли таққикотлар жараёнида ер участкасини шакллантириш ва унинг моделини яратишга оид ҳуқуқий-иқтисодий масалаларга эътибор қаратилган. Мақолада ер кадастри ахборот таъминотини ишлаб чиқишда ер участкасини шакллантириш шартлари, мезонлари ва омиллари суғорма дехқончилик шароитларини ҳисобга олган ҳолда таққик қилинган.

Abstract

The land is characterized by its essence, purpose and task. In turn, each land parcel may consist of one or more contours. Naturally, the analysis of the level of land use in contrast to the aim and objectives of the landowner or land management manual for the investigated land not included land within its territory. Because the size and location sites of strangers land users with respect to the primary land use of the study to follow separately. It is known that the land is as the primary unit of the object information database of land use. Therefore, in the research process, considers the issues regarding the legal and economic aspects of the formation and creation of modules of land. In the article the questions of the conditions, criteria and factors affecting the formation of land plots in terms of the irrigated agriculture .

Аннотация

В статье исследованы условия, критерии и факторы, влияющие на формирование земельных участков в условиях орошаемого земледелия. Земельный участок характеризуется своей сущностью, целью и задачей, каждый земельный участок может состоять из одного или нескольких контуров. Естественно, при анализе уровня использования земель в отличие от цели и задачи землевладельца или землепользователя по эксплуатации исследуемого земельного участка, не учитываются земли, находящиеся на её территории, поэтому, площади и расположение участков посторонних землепользователей относительно основного землепользования следует исследовать отдельно. Земельный участок является первичной единицей объекта информационной базы землепользования. Поэтому, в процессе исследования рассмотрены вопросы касающиеся правовых и экономических аспектов формирования и создания модулей земельного участка.



Кириш. Фойдаланиш мақсадига кўра мустақил ер участкаларига бўлиниши мумкин бўлмаган ер участкаси бўлинмайдиган ер участкаси ҳисобланади. Ер қонунчилигида, хусусан Ер кодексида “ер” тушунчасига мустақил юридик термин сифатида таъриф берилмаган, аммо “ер участкаси” тушунчасига таъриф берилиб унинг мазмуни тўлиқ очиб берилган. Ер кодексининг 1-моддаси 2-бандида «ер» ер муносабатлари объекти бўлиши қайд этилган. Бироқ ер муносабатлари объекти сифатида ер табиий объект ёки ресурс эмас, балки ер юзасининг белгиланган тартибда индивидуаллаштирилган қисми – ер участкаси сифатида намоён бўлади. Ер участкасини кадастр объекти сифатида қараганимизда, ўзининг табиий ҳолатини сақлаб турган ерни эмас, балки тегишли тартибда муайян ҳуқуқий мақоми белгиланган ва шу асосда ҳуқуқ объекти ва ер кадастри ахборот таъминоти бўла оладиган ер участкасини назарда тутамиз.

Ер участкаси - ер фондининг қайд этилган чегарага, майдонга, жойлашиш манзилига, ҳуқуқий режимга ҳамда давлат ер кадастрида акс эттириладиган бошқа хусусиятларига эга бўлган қисмидир [1]. Ер кодексида ер участкасига берилган таъриф ер участкасининг ер-ҳуқуқий муносабатларда қатнашиш асоси сифатида ифодаланган. Бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда эса ер участкасига бериладиган таърифлар ушбу қоидага мослаштирилади.

Ер участкасининг чегараси планларда қайд этилади ва жойнинг ўзида белгиланади. Унинг майдони жойнинг ўзида чегара белгиланганидан кейин аниқланади. Ер участкаси бўлинадиган ва бўлинмайдиган бўлиши мумкин. Демак, ўзининг асосий фойдаланиш мақсадини ўзгартирмаган ва ёнгинага қарши, санитария, экологияга оид, шахарсозлик ҳамда бошқа мажбурий нормалар ва қоидаларни бузмаган ҳолда қисмларга бўлиш мумкин бўлган ва бу иш амалга оширилганидан кейин ҳосил бўлган қисмларнинг ҳар бири мустақил ер участкасини ташкил этиши мумкин бўлган ер участкаси бўлинадиган ер участкаси ҳисобланади.

Методология. Ер муносабатлари объекти бўлиб ҳар доим тегишли табиат объекти юридик белгиларини тавсифловчи муайян ҳуқуқий тоифа намоён бўлади. Табиийки, қонунчиликда табиат объектларининг назарий тушунчаси мустаҳкамланмаган. Бунинг ўрнига ҳуқуқда ер табиат объекти сифатида илмий ва оддий тушунчаларни бир-бирдан фарқлайди. Масалан, сув ҳуқуқида сув муносабатлари объекти сифатида сув табиат унсур сифатида эмас, балки юридик аҳамиятга эга бўлган тушунча сифатида қўлланилади.

Шундай қилиб, ер кадастри ахборот таъминоти(ЕКАТ) ерни табиий объект ёки ресурс сифатида тушуниш натижасида вужудга келмайди. Мазкур муносабатларнинг объ-

екти ернинг индивидуаллаштирилган қисми, яъни аниқ ер участкаси бўлиб ҳисобланади. Ваколатли давлат органлари томонидан қонунда белгиланган тартибда ажратилган, чегараланган ер участкаси тегишли шахсга юридик жиҳатдан бириктирилади. Ер участкасининг мулк ҳуқуқи объекти сифатидаги тавсифи Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 169-моддасида ифодаланган. Хусусан, ер участкасининг ҳудудий чегаралари ер қонунчилигида ўрнатилган тартибда, ер ресурслари бўйича ваколатли давлат органи томонидан мулкдорга берилган ҳужжатлар асосида белгиланади. Ер ижтимоий муносабатларга ҳуқуқий муносабатлар объекти сифатида жалб этилганда ҳуқуқда асосан мулк – кўчмас мулк сифатида ҳамда табиий объект сифатида тушунилиши мумкин. Ер участкаси кўчмас мулк сифатида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 83-моддасида ифодаланган. Ер участкасининг ҳуқуқий мақоми айнан унинг табиий ресурс сифатидаги хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Ер участкасидан фуқаролик муомаласида фойдаланиш унинг табиий объект, бошқа табиат объектлари жойлашадиган ҳудуд, инсоният учун ҳаёт макони сифатидаги аҳамиятини камайтирмайди. Шу сабабдан ҳам ер иморат, бино ёки бошқа инсон иродаси билан бунёд этилган буюмлар каби ашё ҳисобланмайди.

ЕКАТнинг шакллантириш жараёни қонунчиликда ер участкаси ҳуқуқий муносабатларининг тўлақонли объекти бўлишини таъминлаш учун уни расмийлаштириш бўйича бир қатор муҳим талаблар белгиланган. Ер участкаси ҳуқуқий-иқтисодий муносабатлар объекти сифатида алоҳида тарзда белгиланган бўлиши зарур. Бу шуни аниқлатадики, у қонунчилик ва ҳуқуқни белгилловчи бошқа ҳужжатларга мувофиқ аниқ чегараларига эга бўлиши лозим. Шунингдек, ер участкасининг жойлашган манзили, майдони, мақсади ва фойдаланиш даражаси ҳам маълум бўлиши керак. Аммо, ер кодексида ер участкаси ЕКАТнинг объекти сифатида эътироф этилмаган.

Ер участкасини шакллантириш бўйича айрим шартлар Ер кодексининг тегишли моддаларида баён этилган. Хусусан, унинг 1- моддасига мувофиқ ер участкасини тузиш бўйича ишларни амалга ошириш ер участкаси чегаралари лойиҳасини тайёрлаш, жойларда унинг чегараларини ўрнатиш, ер участкасидан фойдаланиш даражасини белгилаш ва қонунчиликда кўзда тутилган бошқа ҳаракатларни амалга оширишдан иборатдир. Ушбу ҳаракатлар Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг туман (шаҳар) Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари томонидан амалга оширилади.


Ер участкаси чегараларининг ўзгариши, янги участкаларни шакллантириш мақсадида мавжуд участкани бўлиш ёки унинг бошқа ер участкалари билан қўшилиб кетишини келтириб чиқарувчи ҳаракатларни амалга ошириш вақтида уларга белгиланган тартибда янги кадастр рақамлари берилади. Олдин берилган кадастр рақамлари йўқотилган ҳисобланади ва улардан қайта фойдаланилиши мумкин бўлмайди. Ер участкаси тупроқ қатлами билан биргаликда қимматли бўлиб, айрим қурилиш объектлари учун ернинг тупроқ қатлами қазиб олиниши ва рекультивацияга муҳтож бошқа ер участкаларини бойитиш мақсадида фойдаланиш учун сақланадиган ҳолатлар бундан мустаснодир.

Ер участкаси шубҳасиз асосий манба, тупроқ эса унга мансуб бўлган унсур ҳисобланади. Шундан келиб чиққан ҳолда, тупроқ қатламининг аҳамияти ёки ўрни асосий

манба бўлган ер участкасининг мақомига боғлиқ. Агар ер участкаси билан боғлиқ бирон-бир битим тузиладиган бўлса, унинг предмети бир вақтнинг ўзида мазкур ер участкаси билан бирга тупроқ қатлами ҳам ҳисобланади. Ер ва тупроқ ер муносабатларида ягона яхлит объект сифатида кўрилади. Ер участкасининг мулкдори ер участкасини бир пайтнинг ўзида унинг тупроғидан ҳам фойдаланиш ҳуқуқи билан биргаликда қўлга киритади ҳамда ер участкасини тупроқдан алоҳида ҳолда тасарруф эта олмайди.

Ер участкасини бўлинадиган ёки бўлинмайдиган турларга бўлишда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 88-моддасига биноан, мақсади ўзгармасдан бўлиниши мумкин бўлмаган буюмлар бўлинмас ҳисобланади[2]. Шу билан боғлиқ ҳолда ер ер участкаларига бўлинган тақдирда ҳам ўз асосий мақсадини ўзгартирмайди, ер участкаси аксарият ҳолларда қонунда кўзда тутилган асосларда бўлинмайдиган деб белгиланиши мумкин. Ердан фойдаланувчилар ер участкасидан меёрий ҳужжатларда белгиланган асосий мақсадлар бўйича фойдаланишлари зарур [3].

Тадқиқот натижасининг тадбири. Ер участкаларини шакллантириш қонуниятларини аниқлаш, ўрганиш ва белгилаш мақсадида олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида уларга таъсир этувчи омиллар яъни оптималлаштириш шартлари қуйидаги расмда ўз аксини топган. 1-расмда ер участкаси майдонини оптималлаштиришда молиявий, моддий, техник, сув ва меҳнат ресурсларини мақбуллашган нисбатига эътибор қаратиш лозимлиги қайд этилган.



1- расм. Ер участкаси майдонини оптималлаштиришнинг асосий омиллари


Демак, ер участкасидан самарали фойдаланишни ташкил этишда 1.1-расмда қайд этилган омилларнинг аҳамияти катта. Уларнинг мавжудлиги ва ўзаро мослиги эса алоҳида олинган ер участкасидан унумли, оқилона ва самарали фойдаланишга ундовчи асосий шартлардан ҳисобланади. Ушбу шартли моделни моҳиятини очиш мақсадида навбатдаги расмдаги омиллар таъсирини ёритиш тадқиқот объекти бўлган ер участкасига берилган таърифни тўлдиришга ёрдам беради. Ер участкасининг таърифини ёритишда юқорида қайд этилган ер контурининг шакллантириш шартларига эътибор қаратиш зарур бўлади.

Олиб борилган тадқиқотлар асосида шуни қайд этиш зарурки, ҳар битта ер участкасидан, жумладан ЕКАТни ҳам инobatга олган ҳолда фойдаланиш даражасини аниқлашга таъсир этувчи омиллар тизимини яратиш зарурлигини қайд этамиз.

Ер участкаси ҳолатига қуйидаги омиллар бевосита ёки билвосита таъсир этиши аниқланган. Уларга қуйидагилар қиради: иқтисодий, ҳуқуқий, технологик, ташкилий, техник, сиёсий, экологик омиллар. Ер участкасидан фойдаланиш даражасига ресурслар мослиги, раҳбарнинг меҳнат кўникмаси, унинг иш билармонлик хусусиятлари ҳамда интеллектуал салоҳияти ҳам таъсир этиши тадқиқотлар давомида аниқланган. Албатта, ердан фойдаланиш жараёнига объектив ва субъектив омилларнинг ҳам таъсири қузатилган.


Маълумки, ер участкасидан фойдаланиш даражасига бир нечта омиллар таъсир этади. Уларни гуруҳлаш ва таъсир даражаларини белгилаш учун қуйидаги 2-расмда ер участкасидан самарали фойдаланиш омиллари ва шартлари ўз аксини топган.

Ўз навбатида ҳар битта ер участкаси маълум ердан фойдаланувчи субъект (ЕФС) тасарруфига кирган ҳол-



2-расм. Ер участкасидан фойдаланиш даражасига таъсир этувчи омиллар

да ундаги ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар аниқланади (3-расм).




3-расм. Ердан фойдаланувчи субъектлар фаолиятига таъсир этувчи омиллар

Тадқиқотлар асосида назарий хулосаларга кўра ҳар бир ЕФС тасарруфидаги ер участкаларини шаклланти-

риш учун маълум қонунлар, ҳуқуқий - меъёрий ҳужжатлар, амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар ва устувор йўналишлар таҳлили асосида ижтимоий-иқтисодий ҳолатларга таъсир этиши аниқланган.

Юқоридаги назарий ёндашувлар ЕКАТга жалб этилиши мумкин бўлган ер участкаси ва уни тасарруф этувчи ЕФС бўйича маълумотлар базасини яратиш зарурияти мавжудлигини эътироф этамиз. ЕФСлар бўйича уларнинг ишлаб чиқариш яъни асосий ихтисослигига мос равишда маълумотлар тизимини ягона услубда тузиш ва ахборотлар банкини жорий этиш зарурати 4- расмда ер участкаси мисолида берилган.



4-расм. Қишлоқ хўжалиги ердан фойдаланувчи субъектлари бўйича маълумотлар тизими

Хулоса. Иқтисодий муносабатлар ер участкасини замон талаб даражасида фойдаланиш учун бир нечта гуруҳ омилларнинг мавжудлигизътироф этилади. Яъни ҳуқуқий, ташкилий, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, технологик, экологик талаблар асосида шаклланса, иккинчи гуруҳи шу ер участкасида таркиб топадиган ресурсларнинг ўзаро мослиги, раҳбар ва ишчиларнинг меҳнат кўникмаси, уларнинг ишбилармонлик хусусиятлари, интеллектуал салоҳияти каби омиллар ер участкасидан фойдаланиш даражасига бевосита ёки билвосита таъсир этади. Бу жараёнга объектив ёки субъектив омиллар ҳам маълум даражада ўз таъсирини кўрсатади. Объектив омиллар табиатда рўй бериши мумкин бўлган ҳолатлар (зилзила, инқироз, офатлар) бўлса, субъектив омиллар эса ердан фойдаланувчи субъект даражасида шаклланадиган муаммоли ёки ютуқли ҳолатларни ўз ичига олади.

Демак, ер участкаларини республикамиз барча ҳудудларида тегишликўрсаткич ва ҳужжатлар асосида шакллантириш зарурияти ва уни амалга оширишда ҳар битта ердан фойдаанувчи субъект ва унинг тасарруфидаги ер участкалари даражасида маълумотлар базасини яратишни тақозо этиши тадқиқотлар давомида аниқланганлигини эътироф этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси. “Ўзбекистон”, Т.: 1998.
2. Ўзбекистон республикасининг Фуқаролик кодекси. “Ўзбекистон”, Т.: 1995.
3. Бобожонов А.Р., Раҳмонов Қ., Ғофиров А.Ж. Ер кадастри. Ўқув қўлланма.Т.:ТИМИ, 2008 й. -208 б.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ХОДИМЛАРИ КУНИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!
Ҳурматли қишлоқ хўжалиги ходимлари!
Мен учун қадрли бўлган деҳқон ва фермерлар!
Муҳтарам дўстлар!

Аввало, сиз, азизларни ва сизлар орқали бутун халқимизни юртимизда биринчи мартаба нишонланаётган **Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ходимлари куни** байрами билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Бугун мана шу муҳташам кошонада йиғилган миришкор деҳқон ва фермерлар, сувчи ва ирригаторлар, механизатор ва агрономлар, аграр тармоқ олимлари тимсолида дунёдаги энг шарафли касб эгаларини кўриб турибмиз.

Узоқ йиллар раҳбарлик лавозимларида ишлаган инсон сифатида менинг турли соҳа вакиллари орасида дўстларим, танишларим кўп. Лекин **қалбимга энг яқин инсонлар, қадрдонларимнинг энг кўпи мана шу соҳа – қишлоқ хўжалиги тармоқларида, десам, ишонинглар, айни ҳақиқатни айтган бўламан.**

Бу билан мен, албатта, доимо чин дилдан фахрланаман, сизларни қалбимга, юрагимга энг яқин ва азиз инсонлар, деб биламан.

Чиндан ҳам, ҳаммамиз болалигимиздан ерга, деҳқончилик ва чорвачиликка меҳр кўйганмиз.

Бу соҳанинг меҳнати қанчалик шарафли, нони эса, қанчалик тотли ва ширин эканини барчамиз яхши биламиз.

Деҳқон деганда, бепоеён далалар, боғу роғлар, дастурхонимиздаги турли ноз-неъматлар, тўй-томошалар, хурсандчилик кунларимиз, бутун ҳаётимиз кўз олдимизда намоён бўлади.

Шу маънода, деҳқон **бу – ҳаётнинг бақувват устун, тирикликнинг мустаҳкам таянчи, десак, ҳеч қандай муболага бўлмайди.**

Буюк мутафаккир Алишер Навоий бобомиз **“олам аҳлининг тўқлиги, қувончи, аввало, ерга уруғ сочиб, бебаҳо ноз-неъмат етиштирадиган фидойи инсонлар меҳнатидандир”**, деб миришкор деҳқонлар хизматиға жуда катта баҳо берганлар.

Мамлакатимизда ҳамма соҳа вакиллариининг байрами бор. Лекин барчамизни, бутун халқимизни боқадиган, кийинтирадиган қишлоқ хўжалиги ходимларининг байрами шу пайтгача йўқ эди. Шунини ўйлаб, очигини айтганда, мен сизларнинг олдингизда ва бутун заҳматкаш деҳқонларимиз олдида ҳақиқатдан ҳам хижолат бўлиб юрардим. Албатта, бу адолатдан эмас эди.

Шунинг учун махсус қонун қабул қилиб, **Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ходимлари кунини белгиланганимиз, ўйламанки, ҳаётимиздаги яна бир адолатли қарор, халқимизнинг дилидаги гап бўлди.**

Илгари республикаимизда деҳқончилик мавсуми якуни бўйича қишлоқ хўжалиги ходимларининг қурултойи ўтказилар эди. Бундай қурултойларда ўтган мавсумда қўлга киритилган ютуқлар ҳам, йўл кўйилган камчиликлар ҳам батафсил таҳлил қилинар, соҳага тегишли янги режалар белгилаб олинар эди.

Бугун биз нафақат қишлоқ хўжалиги соҳаси, балки бутун ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиз тараққиёти учун янги

уфқларни очиб берадиган ана шундай анжуманни – эзгу анъанани қайта тикламоқдамиз.

Ҳурматли дўстлар!

Ҳозирги кунда аграр соҳада амалга оширилаётган исллохотлар натижаларини таҳлил қилиш ва келгуси йил учун энг муҳим чора-тадбирларни белгилаб олиш долзарб вазифа ҳисобланади.

Фермерлик ҳаракатини ривожлантириш натижасида мамлакатимизда кейинги йилларда 160 мингдан ортиқ фермер хўжаликлари шаклланиб, улар бугунги кунда 10 дан ортиқ йўналишларда самарали фаолият юритмоқда.

Энг қувонарлиси, 12 мингдан зиёд фермер хўжалиги раҳбарларини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этса, 6 мингдан ортиқ фермер хўжалигига хотин-қизларимиз раҳбарлик қилмоқда.

Кўп тармоқли фермер хўжаликлари охириги икки йилда 45 фоизга кўпайиб, бугунги кунда уларнинг сони 75 мингга етди. Фақат шунинг ҳисобидан жойларда, узоқ-узоқ қишлоқларда юз минглаб янги иш ўринлари барпо этилди.

Олиб борилган иқтисодий ислохотлар, фермерлик ҳаракатининг ривожланиши натижасида жорий йилда мамлакатимиз бўйича 8 миллион 377 минг тонна ғалла етиштирилди.

Сизларнинг фидокорона меҳнатингиз туфайли 2 миллион 930 тоннадан зиёд пахта ҳосили, 12 минг 450 тонна пилла, 318 минг тонна шоли, 23 миллион тонна мева-сабзавот, 13 миллион тонна гўшт ва сут маҳсулотлари олишга эришдик.

Бу йил биринчи марта ғалладан бўшаган қарийб 1 миллион гектар майдонга сабзавот, картошка, полиз ва дуккакли экинлар экилди ва 5,5 миллион тоннадан ортиқ маҳсулот етиштирилди.

Қишлоқ хўжалигини диверсификация қилиш, ер-сув ресурсларидан янада оқилона фойдаланиш, экспортбоп маҳсулотлар етиштириш орқали деҳқонларнинг даромадини ошириш борасида олиб бораётган тизимли ишларимиз ҳам аста-секин ўз самарасини бермоқда.

Масалан, жорий йилда 96 минг гектар ҳосилдорлиги паст майдонларда пахта ва ғалла ўрнига 32 минг гектар ерда карам, турли сабзавот ва кўкатлар экилди ва бу майдонлардан олинган минглаб тонна маҳсулотлар экспорт қилинди. Шунингдек, 11 минг гектарда интенсив боғ ва янги тоқзорлар, 1 минг 500 гектарда иссиқхоналар барпо этилди.

Бу борада Испания, Польша, Нидерландия, Греция, Россия, Хитой, Жанубий Корея, Туркия, Вьетнам ва Индонезия давлатларининг илғор тажрибасидан кенг фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, мамлакатимизда биринчи марта шафран каби ноанъанавий экин экиш йўлга қўйилди, соя экиш кенгайди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 132 минг тоннаси қайта ишланиб, 100 миллион долларлик тайёр маҳсулот, эътибор беринг, тайёр маҳсулот экспорт қилинди. 724 минг тонна ҳўл мева четга сотилди ва бу юртимизга 856 миллион доллар валюта келтирди. Ҳолбуки, илгари минг-минг тонна турли ширин-шакар меваларимиз далада қолиб, чириб кетар, исроф бўларди, энг ёмони, увол бўлар эди.

Пиллачиликда юқори ҳосил олишда муҳим аҳамият-

га эга бўлган, аммо деярли йўқолиб бораётган анъаналар қайта тикланмоқда. Энг муҳими, қимматбаҳо хомашё бўлган ипак етиштиришнинг мутлақо янги тизими йўлга қўйилди. Ушбу соҳада ишларни мутлақо янги асосда йўлга қўйиш мақсадида “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси ташкил этилди. Бу йил мамлакатимизда **биринчи марта пилладан йилига икки марта ҳосил олиш тажрибаси синовдан ўтказилди ва ижобий натижа берди.**

Ҳар бир вилоятда пилла хомашёсини қайта ишлаб, тайёр маҳсулот олиш мақсадида **тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари жалб қилинмоқда.** Натижада шу йилнинг ўзида ипакни қайта ишлашга ихтисослашган 10 дан ортиқ янги корхона ишга туширилди.

Кейинги йилларда **чорвачилик тармоғини ривожлантириш** дастурлари доирасида балиқ, асал етиштириладиган, парранда, эчки, қорамол боқиладиган кўплаб хўжа-ликлар фаолияти йўлга қўйилди.

Яна бир муҳим, аммо кейинги йилларда эътиборимиздан четда қолиб кетган масала ҳақида алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман. Ҳозирги кунда мамлакатимизда **йилқичилик тармоғи бўйича 15 та насл** хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Уларда 3 минг 150 дан зиёд зотдор от боқилмоқда.

Зотдор қорабайир отларини кўпайтириш ва от спортини ривожлантириш мақсадида Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ туманида янги йилқичилик комплекси ташкил этилди. Тошкент вилоятида ва юртимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам бундай мажмуалар барпо этилмоқда.

Умуман олганда, ота-боболаримиз ардоқлаб, парваришлаб келган, яхши ва ёмон кунларида дўст билган қорабайир отларни миллатимизнинг ғурури, десак, арзийди. Фарзандларимиз қалбида мардлик, жасурлик, она юртга садоқат фазилатларини шакллантиришда ундан тўғри фойдаланасан, ўйлайманки, нур устига нур бўлади.

Охириги 20 йилда эътибордан четда қолган яна бир тармоқ – **балиқчилик соҳасини** тиклаш учун “Ўзбекбалиқсаноат” уюшмаси ташкил этилди. Унинг тизимига 3 минг 600 та балиқчилик хўжалиги киритилди. Жорий йилда 580 минг гектар майдондаги табиий ва 28 минг гектар сунъий кўлларда 100 минг тоннадан ортиқ балиқ етиштирилди.

Вьетнам ва Хитой технологияси асосида интенсив усулда балиқ етиштириш, уни кўпайтириш, балиқ озукаси ишлаб чиқариш борасида ушбу мамлакатлар билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Яна бир муҳим йўналиш – **асаларичилик соҳасини** ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон асаларичилар уюшмаси ташкил этилиб, унга асал етиштирадиган 14 мингдан ортиқ тадбиркор аъзо бўлиб кирди.

Бундай салмоқли ютуқлар ҳақида гапирганда, сиз, азиз фермер ва деҳқонлар, барча миришкорларнинг фидокорона меҳнатингизни, шу соҳа ривожига умрини, бутун ҳаётини бағишлаган инсонлар номларини фахр билан тилга оламиз.

Айниқса, Ўзбекистон Қаҳрамонлари Азим Латипов, Аваз Эргашев, Анорбой Эшматов, Парда Зиёдов, Сарсенбай Сейтназаров, Дўстмурод Абдуллаев, Исахон Баҳромов, Сиёсатхон Абдуллаева, Аваз Ҳосилов, Гулмат Ҳайитметов, Шарифбой Ражабов, Аҳмад Нарзуллаев, Абдумурод Бозоров, Абдурайим Ҳомидов, Патилахон Эргашева, Халчахон Мирзаева, Тўра Нарзиев каби фидойи юртдошларимиз ҳақида ҳар қанча гапирсак арзийди.

Сизларга яхши маълумки, ҳозирги кунда фермер хўжаликлари ва умуман, қишлоқ хўжалиги соҳаси давлатимиз томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, уларга барча зарур шароит ва имкониятлар яратиб берилмоқда.

Мамлакатимизда ирригация ва мелиорация тадбирларининг барча харажатлари тўлиқ давлат бюджети ҳисобидан қопланмоқда. Бу қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ҳосил олишда муҳим омил бўлмоқда.

Қишлоқ хўжалиги экин майдонларини сув билан кафолатли таъминлаш мақсадида ҳар йили давлат бюджетидан 2 триллион сўмдан ортиқ, суғориладиган ерларнинг мелиоратив холатини яхшилаш учун 400 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилмоқда.

Ҳосилдорлиги паст ерларда давлат эҳтиёжлари учун пахта етиштирадиган фермер хўжалиklarини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат бюджетидан маблағ ажратиш ҳажми йилдан-йилга ортиб бормоқда. Агар 2008 йилда ушбу мақсадлар учун 80 миллиард сўм маблағ йўналтирилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 300 миллиард сўмни ташкил этди.

Йил давомида қилинган машаққатли меҳнат, агротехник тадбирларнинг ўз муддатида ва сифатли ўтказилиши натижасида гектаридан ўртача 50 центнердан зиёд ҳосил олган фермерлар 1 минг 121 тани, 45 центнерлик маррани эгаллаган фермерларимиз 2 минг 130 тани, 40 центнерчилар 7 минг 208 тани ташкил этди. Бу пахтачилик бўйича ўз тажриба мактабини яратаётган фермерлар кўпайиб бораётганидан далолат беради.

Жорий мавсумда Амударё, Булоқбоши, Пахтаобод, Вобкент, Бухоро, Миришкор, Нишон, Қизилтепа, Мингбулоқ, Каттақўрғон, Нарпай, Жарқўрғон, Юқоричирчиқ, Боғот, Хонқа, Қўшқўпир туманларида пахтадан мўл ҳосил олинди.

Пахта етиштиришда юқори ҳосилдорликка эришган Амударё туманидаги “Амударё соҳили” фермер хўжалиги раҳбари Ислонбек Маткаримов, Миришкор туманидаги “Турдиали бобо” фермер хўжалиги раҳбари Абдувоҳид Беғалиев, Пешку туманидаги “Фаттоев” фермер хўжалиги раҳбари Ёқуб Фаттоев каби фермерлар фаолияти таҳсинга сазовордир.

Ғаллачилик бўйича эришган ютуқларимизда Беруний, Олтинкўл, Қўрғонтепа, Дўстлик, Ромитан, Пешку, Шаҳрисабз, Норин, Иштихон, Пискент, Олтиариқ, Учкўприк, Қува туманлари фермерлари ўрнак ва намуна бўлдилар.

Энг асосийси, бу йил етиштирилган ғалланинг 5 миллион 200 минг тоннадан ортиғи фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳамда аҳоли ихтиёрида қолдирилди. Буларнинг барчаси деҳқонларимизнинг оморлари донга, рўзғорлари кўт-баракага тўлиб бораётгани, улар ўз меҳнатидан катта манфаат кўраётгани, халқимиз ибораси билан айтганда, том маънода уларнинг косаси оқараётганининг амалий далили, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Сув ресурслари чекланган минтақамизда деҳқончилик қилиш, мўл ва сифатли ҳосил олиш қанчалар оғир ва машаққатли эканини сиз, шу соҳанинг моҳир усталари жуда яхши биласиз. Шунинг учун **сувни тежайдиган** технологияларни жорий этишга қаратилган тадбирлар қўллаб-қувватланиб, бунинг ташаббускори бўлган хўжалик ва ташкилотларга қўшимча имтиёз ва преференциялар яратиб берилмоқда. Натижада бугунги кунда қарийб 240 минг гектар майдонда ана шундай технологиялар, жумладан, 28 минг гектар ерда томчилатиб суғориш технологияси жорий қилинди.

2017 йилнинг ўзида қишлоқ хўжалиги соҳасига оид 5 та қонун, 20 дан ортиқ фармон ва қарор қабул қилинди, 2 та янги кўмита ва 3 та уюшма тузилди. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги фаолияти тубдан такомиллаштирилди.

Қишлоқ туманларида ҳокимларнинг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари лавозими жорий қилинди. Ўзбекистон Фермерлари кенгаши Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши сифатида қайта ташкил этилди.

Энди ана шундай ўзгаришлар амалий натижа ва самара бериши учун барчамиз бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этишимиз керак.

Қадрли дўстлар!

Шу ўринда мен бир фикрни алоҳида таъкидлашни истардим.

Фермер ва деҳқонларимиз қишлоқ хўжалигида асосий куч бўлиб, нафақат мазкур соҳани, балки бутун мамлакатимиз тараққиётини юксалтириш, халқимизнинг турмуш даражасини ошириш, юртимизни ҳар жиҳатдан обод ва фаровон қилишда беқиёс ишларни амалга ошираётганини бугун фахр ва ғурур билан, миннатдорлик билан қайд этамиз.

Ўзбек деҳқонлари она заминимизга, муқаддас туп-роғимизга энг садоқатли, элу юрт тақдири учун чинакам фидойи инсонлардир. Уларнинг бундай фазилатларидан барчамиз ўрнат олсак арзийди.

Азиз фермерлар, деҳқон ва миришкорлар!

Қишлоқ хўжалиги соҳасида эришаётган ютуқ ва натижаларимиз ҳақида яна кўп гапиришимиз мумкин. **Лекин ютуқларга маҳлиё бўлиб ўтириш, хотиржамликка берилиш бизга ярашмайди.** Чунки қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳали ишга солинмаган имкониятлар, ўз ечимини кутаётган муаммо ва камчиликлар ҳам жуда кўплигини барчамиз яхши биламиз.

Ўзбекистонни 2017-2021 йилларда янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида барча соҳалар қатори қишлоқ хўжалигини ҳам модернизация қилиш борасида энг муҳим вазифаларни аниқ белгилаб, уларни изчил амалга ошириб бораётганимиз соҳадаги улкан муваффақиятларга асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Бугун сизлар билан **ана шу масалалар ҳақида очик-ойдин гаплашиб, уларни ечиш йўллари аниқ белгилаб олсак**, ўйлайманки, айна муддао бўлади. Бу келгуси йилда қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларида янада юксак натижаларга эришишимиз учун пухта замин яратади.

Биринчидан, ердан унумли фойдаланиш ва уни талон-тарож қилишнинг олдини олиш – энг муҳим вазифалардан биридир.

Мамлакатимизда суғориладиган ерлар атиги 3 миллион 300 минг гектар бўлиб, уни кўпайтиришнинг ҳеч иложи йўқ. Чунки бизда сув ресурслари чекланган. Аҳолимиз эса йилдан-йилга кўпайиб бормоқда.

Жойларда қатъий назорат йўқлиги оқибатида суғориладиган ерларни фермерлар ва бошқа мутасадди раҳбарлар томонидан сотиш, ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш ва талон-тарож қилиш ҳолатлари, афсуски, давом этмоқда.

Жорий йилнинг ўзида 20 дан ортиқ туманда, жумладан, Бўз, Ангор, Навбахор, Жомбой, Оҳангарон ва бошқа туманларда суғориладиган ерлар фуқаролар томонидан ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган. Бундай нохуш ҳолатларни деярли барча вилоятларда кузатиш мумкин.

Ҳозирги кунда мамлакатимиздаги мавжуд 700 минг гектарга яқин лалми ернинг бор-йўғи 300 минг гектарига ғалла ва мойли экинлар экилмоқда.

Қани, айтинглари, қолган 400 минг гектар ердан нега фойдаланмаймиз?

Бундай майдонларни ўзлаштириш, уларни мунтазам равишда деҳқончилик экинлари экиладиган ерларга айлантириш осон бўлмайди, деб ўтирсак, ўтираверамиз.

Ҳолбуки, бугунги вазият барчамиздан ташаббус кўрсатиб, жаҳондаги илғор тажрибаларни чуқур ўрганиш, фидойилик билан меҳнат қилишни талаб этмоқда.

Бундай эзгу ишга қўл урган фермер ва деҳқонларимизга биз ҳар томонлама кўмак беришга тайёрмиз.

Ўзингизга маълум, **ҳар қарич ер – давлатнинг, демаски, халқимизнинг бебаҳо бойлиги ҳисобланади.** Ундан ноқонуний, ўзбошимчалик билан фойдаланишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Афсуски, ана шу оддий ҳақиқатни тушуниб етмаган ёки тушунишни ва унга амал қилишни истамаётганлар ҳамон учраб турибди.

“Ерегодезкадастр” кўмитаси томонидан ўтказилган ўрганишлар натижасида жорий йилда 3 минг 600 га яқин фермер хўжалиги **ғалла ва пахтани шартномада қайд этилганига нисбатан 19 минг гектар ерга кам эккани**

аниқланган. 833 та фермер хўжалиги эса 13 минг гектар ерда пахта ва ғалла етиштириш бўйича шартнома тузган бўлса-да, амалда бу экинларни умуман экмаган.

Унумдор ерларни сотаётган, ноқонуний тарзда уй-жой қуриб олаётган, шартномада кўзда тутилган экинларни экишдан бўйин товлаётган фермерларга нисбатан қатъий чоралар кўрадиган ва қонуний баҳо берадиган вақт келди.

Шунинг учун Бош вазир ўринбосари, қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Зойир Мирзаев, мутасадди идоралар ва вилоятлар ҳокимлари бир ой муддатда ана шундай муаммоларни тўлиқ бартараф этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, кўриб чиқиш учун тақдим этиши зарур.

Иккинчидан, суғориш иншоотлари эскириб, тармоқлар яроқсиз ҳолга келиб қолгани оқибатида 830 минг гектар ерни суғоришда қийинчиликлар юзага келмоқда.

Бундан ташқари, 1 миллион 300 минг гектар суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, 18 минг километр коллектор ва дренаж тармоқларини босқича-босқич тозалаш лозим. Шунингдек, 103 та йирик, 720 та ўрта ва кичик сув иншоотлари янгилаш ва таъмирлашга муҳтож.

2017-2018 йилларда бу тадбирлар учун давлат бюджетидан 1,5 триллион сўм, халқаро молия институтларининг 150 миллион доллар маблағини йўналтириш режалаштирилган. Бироқ шуларнинг ўзи билан соҳадаги мавжуд муаммоларни тўлиқ ҳал этиб бўлмайди.

Шунинг учун Бош вазир ўринбосарлари Зойир Мирзаев ва Жамшид Қўчқоров бир ҳафта муддатда давлат бюджетидан ушбу мақсадлар учун кўшимча маблағ ажратиш ва халқаро молия институтларининг мазкур лойиҳаларда янада кенгроқ иштирок этишини таъминлаш бўйича аниқ таклифлар киритиши лозим.

Мамлакатимизда **ер ресурсларидан самарали фойдаланиш** борасида ҳам кўплаб ишларни амалга оширишимиз зарур. Бу борада **сув омборлари тармоғини кенгайтириш** ҳисобидан лалми ерларни ўзлаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратиш керак.

2018-2019 йиллар давомида Тошкент вилоятида жами 44 миллион куб метр сув йиғиладиган “Паркентсой”, “Қизилсой”, “Тоштепа” сув омборлари қурилади. Шу тариқа Паркент ва Оҳангарон туманларида 5 минг гектар лалми ерларни ўзлаштириш имконияти яратилади.

Жиззах вилоятининг Фориш туманида “Караман” сув омбори ишга туширилгач, 20 минг гектар ер ўзлаштирилади.

Қашқадарё вилоятида “Гулдара”, “Аяқчисой”, Самарқанд вилоятида “Булунғур” сув омборларини қурсак, бу кўшимча равишда 2 минг гектар экин майдонларини ўзлаштириш, 2 минг 300 гектар ерда сув таъминотини яхшилаш имконини беради.

Навоий вилоятидаги “Сентобсой”, Наманган вилоятидаги “Қорасув”, “Ертикан”, “Уйчи” сув омборлари қарийб 2 баробар кенгайтирилади.

2018-2019 йилларда ирригация тармоқларини ривожлантириш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича давлат дастурига мувофиқ, келгуси икки йилда 1 минг 86 километр узунликдаги каналлар бетонлаштирилиб, 661 километр лотоклар янгидан бунёд этилади. Шунингдек, 109 та йирик гидротехник иншоотлар қурилади ва янги насос станциялари ўрнатилади.

Ана шу тадбирларни амалга ошириш натижасида 1 миллион 200 минг гектар ернинг сув таъминоти яхшиланади.

Энг асосийси, йилга 1 миллиард 700 миллион куб метр сув тежаланиши ва 600 минг гектар ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланади.

Ҳаммамиз яхши тушунамиз, **“Ерни боқсанг, ер ҳам сени боқадир”**, деган мақол бежиз айтилмаган. Соҳада катта натижага эришмоқчи бўлсак, биринчи навбатда ризқ-рўзимиз манбаи бўлган ерни боқишимиз, тупроқ унумдорлигини оширишимиз керак.

Учинчидан, аҳолини сифатли гўшт, сут, тухум ва балиқ маҳсулотлари билан етарлича таъминлаш – энг асосий вазифаларимиздандир.

Бунга эришиш учун қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратишимиз зарур. 2018-2019 йилларда банк кредитлари ҳисобидан 145 та лойиҳа доирасида қўшимча 35 минг бош зотдор қорамол боқиш йўлга қўйилади. Умумий қиймати 280 миллиард сўм бўлган 80 та лойиҳа асосида қўшимча 3 миллион 200 минг бош парранда боқишга мўлжалланган хўжаликларни ташкил этиш керак. Шунинг ҳисобидан 2018 йилда тухум етиштиришни 10 фоизга ошириб, унинг умумий ҳажмини 7 миллиард 800 миллион донага етказиш имкони юзага келади.

Келгуси йилда балиқ етиштиришни 150 минг тоннага етказиш мақсадида 215 миллиард сўмлик 280 та лойиҳа амалга оширилади, 1 минг 650 гектар сунъий сув ҳавзалари ташкил этилади. 25 та сув омборида Вьетнам тажрибаси асосида 13 минг тонна, 37 минг гектар шолиторда қарийб 15 минг тонна балиқ етиштириш бўйича чора-тадбирлар қўрилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд, Сурхондарё, Андижон ва Наманган вилоятларида Индонезиядан келтирилаётган 380 минг дона сермахсул балиқ чавоғини ушбу мамлакат мутахассислари билан ҳамкорликда маҳаллий иқлимга мослаштириш лозим.

Тўртинчидан, мева-сабзавот етиштиришни янада кўпайтириш, уни сифатли тарзда аҳолига етказиш ва экспорт қилиш ишлари, афсуски, етарли даражада эмас.

Бугунги кунда юртимизда етиштирилаётган мева-сабзавотнинг атиги 15 фоизи қайта ишланиб, 8 фоизи экспорт қилинмоқда, холос. Айниқса, Сирдарё, Жиззах, Хоразм, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларида бу кўрсаткичлар ҳамон пастлигича қолмоқда.

Жорий йилда 860 минг тонна ёки 620 миллион долларлик мева-сабзавот экспорт қилингани бизнинг имконият ва салоҳиятимизга мосми? Йўқ, албатта!

Ривожланган давлатлар тажрибаси асосида боғлар ва тоқзорларга ишлов берадиган, сабзавот ва картошка уруғларини экадиган ва йиғиштириб оладиган техникалар мавжуд эмас, фермер, деҳқон хўжалиқларига ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари, минерал ўғитлар, уруғлик етказиб бериш, касаллик ва зараркундаларга қарши кураш ишлари талаб даражасида ташкил этилмаган. Бу ҳам ҳақиқат.

Бош вазир ўринбосарлари Нодир Отажонов, Зойир Мирзаев бир ой муддатда ҳар бир вилоят ва туманда мева-сабзавот етиштиришни кўпайтириш, уни қайта ишлаш ва экспорт ҳажмини ошириш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиб, амалга оширишлари керак.

Бешинчидан, республикамиз бўйича 445 минг гектар энг унумдор ер аҳолига томорқа сифатида берилган.

Лекин томорқадан фойдаланиш талаб даражасида эмас. Бу йўналишдаги ишларни мувофиқлаштириш ва назорат қилиш тизими йўқ, десак, аниқ ҳақиқатни айтган бўламиз.

Соҳада назоратни таъминлаш, томорқа эгаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгалари кенгашига қатор ваколатлар берилди.

Вазирлар Маҳкамаси (З.Мирзаев), Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгалари кенгаши (Б.Юсупов), Касаба уюшмалари федерацияси (Қ.Рафиқов), “Ер-геодезкадастр” давлат кўмитаси (А.Абдуллаев), “Маҳалла” жамғармаси (Ш.Жавлонов), Хотин-қизлар кўмитаси (Т.Норбоева) ва ҳудудлардаги секторлар раҳбарлари уйма-уй юриб, аҳолига томорқадан самарали фойдаланиш юзасидан зарур тавсия ва амалий ёрдам бериш механизмини ишлаб чиқиб, амалга ошириши лозим.

Бу ишларни самарали йўлга қўйиш натижасида то-

морқалардан мева, сабзавот, картошка, кўкат, дуккакли ва бошқа маҳсулотлар етиштириш имкониятлари янада кенгайди.

Шунингдек, аҳоли томорқаларида цитрус мевалар етиштиришга мўлжалланган илҳам иссиқхоналар барпо қилиш, ёнғоқ, унаби ва бошқа кўчатлар етиштиришни ташкил этиш лозим.

Олтинчидан, ҳозирги пайтда мамлакатимиздаги 146 минг 295 та қишлоқ хўжалиги техникасининг 38 фоизи аллақачон ўз умрини ўтаб бўлган, яъни бутунлай эскирган.

Айниқса, мева ва сабзавотчиликка ихтисослашган туманлар боғ ва тоқзорларга ишлов бериш, сабзавот экиш, парваришлаш ва йиғиб олишга мўлжалланган техникалар билан бор-йўғи 34 фоиз таъминланган, холос. Бу меҳнат унумдорлиги ва ҳосилдорликнинг пасайиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Айни пайтда мамлакатимиз бўйича 16 минг 495 та қишлоқ хўжалиги техникаси етишмаслиги аниқланган. Бунинг оқибатида белгиланган агротехник тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширишнинг имкони бўлмапти ва шунинг учун пировард натижада кутилган самарага эришилмапти.

Бош вазир ўринбосарлари Зойир Мирзаев, Жамшид Қўчқоров ва Нодир Отажоновга қишлоқ хўжалиги техникасини юртимизда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, зарур ҳолларда уларни хорижий давлатлардан сотиб олиш учун молиявий манбаларни аниқлаш масалаларини ҳал этиш бўйича жорий йил 20 декабрга қадар аниқ ва амалий тақлифлар киритиш вазифаси топширилади.

Еттинчидан, қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантиришда илм-фан ҳаёт талабларидан орқада қолаётгани жиддий муаммолардан биридир.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига қарашли илмий-тадқиқот институтларининг аграр фан ва селекцияни ривожлантириш, илғор агротехнологияларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш, ҳар бир ҳудудда тупроқ ва иқлим шароитига мос экин навларини яратиш ва жойлаштириш борасидаги ўрни ва ролини кескин ошириш лозим.

Ҳозирги кунда ана шу илмий муассасаларнинг моддий-техник базаси замонавий тадқиқотларни амалга ошириш имконини бермайди. Илмий-тадқиқот ишлари ҳамон эскича усулларда олиб борилаётгани ҳам ҳақиқат.

Соҳада замонавий илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштирган кадрлар етишмаётганини ҳам тан олишимиз керак. Айниқса, чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик соҳаларида ветеринар мутахассисларга эҳтиёж катта.

Чорва молларининг зотини яхшилаш, паррандаларда касалликларни эрта аниқлаш ва даволаш бўйича илмий изланишлар деярли олиб борилмапти.

Яқин вақтга чорвачилик соҳасида етакчи бўлиб келган юртимизда бугун зотдор молларни фақат четдан олиб келиш билан чекланиб қолаётганимизни нима билан изохлаш мумкин?

Бундай эътиборсизлик ва соҳанинг эртанги ривожини ўйламасликни ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди.

Ана шу ҳолатларнинг барчасини инобатга олиб, соҳага илмий ёндашувни ташкил этиш ва малакали кадрлар тайёрлаш тизимиин йўлга қўйиш мақсадида юртимизда **Ветеринария институтини** ташкил этишнинг фурсати келди, деб ҳисоблайман.

Ана бир муҳим масала, яъни йилига мамлакатимизда етиштирилаётган 12 миллион донадан зиёд терини йиғиш, уни чуқур қайта ишлаш, айниқса, дунёга машҳур қоракўл теридан юқори сифатли, рақобатдош маҳсулот тайёрлаш бўйича ишларимиз ҳам талаб даражасида эмас.

Бош вазир ўринбосари Зойир Мирзаев тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда “Ўзбекчармпойабзали” уюшмаси фаолиятини тубдан қай-

та кўриб чиқиб, тизимни такомиллаштириш, бу борадаги экспорт кўрсаткичини 150 миллион доллардан камиди 300 миллион долларга ошириш бўйича қарор лойиҳасини тайёрлаши зарур.

Хабарингиз бор, биз яқинда ривожланган давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, ҳаётимизга янги инновацион технологиялар жорий этиш кўламини янада кенгайтириш мақсадида **Инновацияларни ривожлантириш вазирлигини ташкил этдик**. Ушбу вазирлик бу борада алоҳида дастур ишлаб чиқиб, қишлоқ хўжалиги соҳасига илғор технологияларни жорий этиш чора-тадбирларини амалга ошириши фоят муҳим масаладир.

Академик Маҳмуд Мирзаев номидаги Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти фаолиятини чуқур таҳлил қилган ҳолда, узумнинг саноатбоп навлари, лимон ва мевали дарахт кўчатлари етиштириш – ҳозирги давр талабидир. Афсуски, ушбу институтнинг айна пайтдаги ҳолати бугунги мезон ва талабга мутлақо жавоб бермайди.

Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институтининг Ғаллаорол илмий-тажриба станцияси негизда Лалмикор деҳқончилик институтини ташкил этишни замоннинг ўзи тақозо этмоқда. Бундай илмий-тадқиқот маркази лалми ерлардан самарали фойдаланиш бўйича замонавий илмий изланишларни янада кенгайтириш имконини яратади.

Мамлакатимизда паррандачиликни ривожлантириш, жумладан, курка, бедана, ғоз, ўрдак ва туяқуш парваришларни илмий асосда йўлга қўйиш мақсадида **Паррандачилик илмий марказини** ташкил этиш зарур, деб ўйлайман.

Халқимизни энг кўп истеъмол қилинадиган озиқ-овқат турларидан бири бўлган картошка билан тўла таъминлаш учун бизга йилига ўртача 50 минг тонна сифатли картошка уруғи керак бўлади. Бунинг учун Голландия, Польша, Россия каби давлатлар билан ҳамкорликда замонавий лаборатория ускуналарига эга бўлган **маҳаллий уруғчилик маркази ва махсус корхоналар** ташкил этишимиз керак.

Саккизинчидан, фермер хўжаликларида ҳар қарич ердан унумли фойдаланиш, даромад ҳажмини ошириш масаласига ҳам алоҳида аҳамият қаратишимиз зарур.

Шу мақсадда мавжуд 2 миллион 626 минг гектар майдоннинг умумий узунлиги 385 минг километр бўлган чекка қисмларида сабзавот ва полиз экинлари экишни йўлга қўйиш орқали 415 минг тонна қўшимча маҳсулот етиштиришга эришиш мумкин.

Оддий ҳисоб-китоблар шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирги вақтда ҳар бир фермер хўжалиги даласида бир бошдан, жами 14 минг соғин сигир, 21 минг 125 фермер хўжалигининг ҳар бирида 50 бошдан, жами 1 миллион 57 минг парранда, 66 минг фермер хўжалигининг дала четларида 329 минг кути асалари боқиш ҳисобидан 7 минг 200 тонна асал етиштиришни йўлга қўйиш мумкин.

Юзаки қараганда, бу оддий гапга ўхшайди. Агар масалага жиддий ёндашиб, ҳар бир рақам замиридаги маънони теран англаб етсак, булар деҳқонларимиз учун қўшимча даромад манбаи экани маълум бўлади.

Келгуси йилда алоҳида эътибор қаратилиши лозим бўлган яна бир муҳим йўналиш – бу сўғориш ва коллектор-дренаж тармоқлари бўлиларида, йирик гидротехник иншоотлар атрофидаги майдонлар ва дала четларида оддий ва арзон усулларда 30 мингдан зиёд ихчам иссиқхоналар ташкил этишдан иборат.

Тўққизинчидан, пахта ва ғалла экилаётган паст рентабелли майдонларни йилдан-йилга қисқартириб, уларнинг ўрнига интенсив боғлар, ёнғоқзор ва токзорлар барпо этиш, шунингдек, сердаромад бўлган соя, қалампир ва кўкатлар экиш режалаштирилган.

Мамлакатимизда рапс етиштиришни кенгайтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу билан бирга, енгил саноат корхоналарини сифатли тола билан таъминлаш ҳақида ҳам жиддий ўйлашимиз керак. 2018 йилда мамлакатимизда етиштирилаётган 1 миллион 200 минг тонна пахта толасини юртимизда тўлиқ қайта ишлаб, хорижга фақат тайёр маҳсулотлар экспорт қилишни йўлга қўйишимиз зарур.

Навоий вилоятининг Қизилтепа туманида амалда қўлланган – пахтани етиштиришдан тортиб, ундан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган босқичларни ўз ичига қамраб олган кластер усулига биз Ўзбекистон пахтачилигининг келажаги сифатида қарамоқдамиз.

Бу истиқболли тажрибани кенг ёйиш мақсадида мамлакатимиздаги ўттиздан зиёд енгил саноат корхонасига тўрт юз минг гектардан кўпроқ пахта майдонлари бириктириб берилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Нигматович Ариповга тегишли комплекс раҳбарлари, Иқтисодиёт ва Молия вазирликлари, Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда бу масала бўйича қарор лойиҳасини 15 кун муддатда ишлаб чиқиш, вилоят ҳокимларига лойиҳа ташаббускорлари учун барча зарур шароитни яратиб бериш вазифаси топширилади.

Қолган пахта майдонларида ҳосилдорликни ошириш ва ердан самарали фойдаланиш мақсадида чигитни “қўшқатор” ва “олтмишлик” схемаси асосида экишни йўлга қўйиш ва самарасиз бўлган “тўқсонлик” схемадан босқичма-босқич воз кечиш керак. Шунингдек, хитойлик олимлар билан ҳамкорликда Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятларида ғўза парваришини замонавий технологиялар асосида олиб боришимиз зарур. Сурхондарё, Самарқанд ва бошқа вилоятларда томчилатиб сўғориш технологияларини кенг жорий этишимиз лозим.

Хурматли йиғилиш иштирокчилари!

Бугунги кунда олдимизда турган энг асосий муаммолардан бири бу – республикамиз қишлоқ хўжалигида илм ва амалиётнинг бир-биридан узоқлашгани, аксарият ҳолларда узилиб қолганидир.

Бир ҳақиқат барчамизга яхши маълум: **илм ва изланиш бўлмаган жойда ҳеч қандай ривожланиш, юксалиш ва, умуман, бирор-бир соҳанинг келажаги бўлмайди.**

Афсуски, кейинги 20 йил мобайнида биз аграр тармоқни илм-фан ютуқлари асосида ривожлантиришга етарлича эътибор бермадик, эътиборсизлигимиз туфайли мавжуд илмий-текшириш институтлари молиявий муаммолар гирдобига, ночор аҳволга тушиб қолди, таъбир жоиз бўлса, “чалажон” бўлиб қолди.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази (собиқ Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги фанлари академияси) таркибида айна пайтда 11 та илмий-тадқиқот институти ва 44 та илмий-тажриба станцияси мавжуд.

Бундан ташқари, bevосита Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимида 4 та олий таълим муассасаси ва уларнинг 3 та филиали, шунингдек, 132 та касб-ҳунар коллежи фаолият кўрсатмоқда. Лекин Тошкент давлат аграр университети, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти, Андижон ва Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтларининг илмий салоҳияти ва кадрлар тайёрлашдаги мавқеи йилдан-йилга пасайиб бормоқда. Агар ўтган асрнинг 80-90 йиллари билан солиштирадиган бўлсак, ушбу олий таълим муассасаларида илмий, педагогик ва амалий тажриба борасида салоҳият кескин пасайиб кетган.

Қишлоқ хўжалигида аниқ мезонлар асосида кадрлар тайёрлашнинг ягона тизими мавжуд эмас. Бунга вазирлик ва олий таълим даргоҳлари раҳбарлари ҳам умуман эътибор қаратмаяпти, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз.

Бугун олий таълим муассасаси ёки коллежда ўқиётган та-

лаба эртага қаерга ишга боради, амалиётда унинг билим ва мутахассислигига айнан қандай талаблар қўйилади, у шу талабларга жавоб берадими-йўқми – буни ҳеч ким билмайди.

Ҳатто шу даражага бориб етдики, аудиторияда талабага бошқа нарса ўқитилади, амалиётда эса ундан умуман бошқа билим ва кўникма талаб этилади. Аграр тармоқдаги бирор-бир олий ёки ўрта махсус таълим муассасаси ишлаб чиқариш ёки амалиётнинг аниқ буюртмаси бўйича мутахассислар тайёрлаётгани йўқ ва, афсуски, бу бўйича ҳали ҳаракат ҳам бошланмаган. Шундай экан, малакали ва рақобатдош мутахассис-кадрлар тайёрлаш тўғрисида қандай гапиришимиз мумкин.

Тошкент давлат аграр университети ва Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти таянч ўқув даргоҳлари ва ўқув-методик марказ сифатида белгиланган эди. Лекин ҳар иккала таълим муассасасининг раҳбарияти ҳам бу борада ўз зиммасидаги вазифани тўла уйдалаётгани йўқ. Андижон ва Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтларининг фаолиятини эса қониқарли деб бўлмайди.

Бугунги давр шуни тақозо этмоқдаки, олий таълим муассасаси ва коллежлардаги ўқув дастурлари ишлаб чиқариш, фирма ва компанияларнинг аниқ талаб ва буюртмалари асосида тузилиши ва рақобатдош кадрларни тайёрлаб бериши керак.

Агар талаб бўлса, олий таълим муассасаси ва коллеж мутахассис тайёрлаши керак, муайян йўналиш бўйича битираётган кадрларга эҳтиёж бўлмаса ёки кадрнинг билим савияси ва илмий даражаси паст бўлса, бундай ўқув муассасаси ёпилиши зарур.

Бу борада бир мисол келтираман. Фарғона водийсида бир неча йиллардан буён зарарли ҳашаротлар пахта майдонларига сезиларли даражада зиён етказяпти. Лекин водийдаги бирорта ўқув даргоҳида олим ва мутахассислар бундай касалликларга қарши курашиш ҳақида жиддий бош қотираётганлари йўқ.

Ана шундай ўткир ва ҳаётини муаммоларни ҳал этиш ва зарур ечимларни топиш мақсадида қуйидаги долзарб вазифаларни амалга ошириш талаб этилади.

Биринчидан, кадрлар тайёрлашни тубдан яхшилаш, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ва илмий тадқиқотчиларининг иш ҳақи миқдори, жумладан, янги ўқув йилидан бошлаб докторантлар стипендияларини сезиларли даражада ошириш бўйича Молия вазирлиги (Ж.Қўчқоров) таклиф тайёрласин.

Шу билан бирга, соҳадаги олий таълим муассасаларида таълим даражасини ошириш учун уларни модернизация қилиш дастурини 2021 йилгача чўзмасдан, 2019 йил охирига қадар яқунлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Барчага маълумки, қишлоқ хўжалиги мутахассисларини магистратурада контракт асосида ўқитиш илмий кадрлар тайёрлашга жиддий тўсқинлик қилмоқда. Шунинг учун янги ўқув йилидан бошлаб қишлоқ хўжалигининг тор мутахассисликлари бўйича магистратурада кадрлар тайёрлашни тўлиқ бюджет грантлари ҳисобига ўтказиш таклиф этилади. Бу масала бўйича Молия вазирлиги тегишли ташкилотлар билан биргаликда 10 кунда таклиф киритсин.

Иккинчидан, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги илмий дастурларни молиялаштиришга Давлат бюджетидан ажратилаётган маблағларни 2017 йилдаги 39 миллиард сўмдан 2-3 йилда 150 миллиард сўмга етказиш топширилади.

Шу билан бирга, агросаноат комплекси таркибидаги 14 та илмий-тадқиқот институтини кейинги 2 йилда Давлат бюджетидан базавий молиялаштиришга ўтказиш лозим.

Буларга қўшимча равишда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги илмий муассасаларни замонавий лаборатория асбоб-ускуналари билан жиҳозлашга 20 миллион доллар ажратиш

Молия вазирлигига топширилади. Бундан кўзланган мақсад – илмий-тадқиқот институтлари ва уларнинг илмий-тажриба станцияларини замонавий қишлоқ хўжалиги техникаси ва асбоб-ускуналари билан таъминлашни тубдан яхшилашдан иборат.

Учинчидан, юқоридаги топшириқлар бўйича Бош вазир ўринбосарлари З.Мирзаев ва Ж.Қўчқоров бир ой муддатда Президент қарори лойиҳасини киритсин.

Қарор лойиҳасида қишлоқ хўжалигида илмий изланишларни молиялаштириш ва инновацион ишланмаларни молиявий қўллаб-қувватлашга йўналтирилган махсус жамғарма тузиш ҳақида таклиф назарда тутилсин. Жамғарманинг манбаи сифатида айрим маҳсулотларга солинадиган акциз солиғининг қатъий белгиланган ажратмаларини белгилашни таклиф этаман.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, **қишлоқ хўжалигида самарадорликни ошириш учун барча даражадаги раҳбарлар, айниқса, туманлардаги 4 та сектор раҳбарлари масъулиятини кучайтириш талаб этилади.**

Вазир бўладими, вилоят ёки туман ҳокими бўладими – барча раҳбарлар қишлоқ хўжалиги масалалари, яъни озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича ташаббус кўрсатиб ишлаши, энг муҳими, натижадорликка эришмоғи шарт.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида номига, кўзбўямачилик билан иш юритиб, натижага эришиб бўлмайди. Масала ана шу нуқтаи назардан қараган ҳолда, ишдаги нуқсон ва камчиликларни учун Жиззах ва Тошкент вилоятлари ҳокимларини, бир қатор вазирлар ва туманлар ҳокимларини алмаштиришга тўғри келди.

Вақтида олди олинмаса, ҳар бир ишга масъулият билан ёндашилмаса, бундай жиддий камчиликлар қишлоқ хўжалиги унумдорлиги ва натижадорликка салбий таъсир кўрсатишини барча раҳбарлар яхши тушуниб етиши зарур.

Юқорида айтилган режа ва дастурларни амалга ошириш учун бизда куч ва имкониятлар, билим ва тажриба етарли. Гап фақат ишни фидойилик ва омилкорлик билан, тўғри ва самарали ташкил этишимизга боғлиқ.

Муҳтарам дўстларим, қадрдонларим!

Бу дунёда барчамиз эзгу ва пок ниятлар билан яшаймиз.

Ҳаммамиз фарзандларимиз, набираларимиз камолини кўрсак, юртимиз тинч, халқимиз фаровон ҳаёт кечирса, деб орзу қиламиз.

Агар бугун Ўзбекистонда олиб борилаётган давлат сиёсатидан кўзланган асосий мақсадни оддий сўзлар билан ифода этадиган бўлсак, у аввало халқимиз қалбидаги ана шундай эзгу орзу-ниятларни амалга оширишга қаратилгандир.

Кейинги бир йил давомида эл-юртимиз билан бўлган мулоқотлар давомида мен бу ҳақиқатга яна бир бор ишонч ҳосил қилдим.

Биз олдимизга қўйган, ҳар бир ватандошимиз кўнглида акс садо бераётган ана шу буюк мақсадларни амалга оширишга энг кўп ҳисса қўшаётган, келгусида ҳам катта ҳисса қўшадиган инсонлар қаторида аввало сиз, азизларни кўрамиз.

Барчангизни, сизлар орқали ўз ҳаётини қишлоқ хўжалиги соҳаси билан, айниқса, саховатли заминимиз билан боғлаган фидойи инсонларни, бутун халқимизни бугунги қутлуғ байрам билан яна бир бор самимий табриклайман.

Жонажон Ватанимиздан ҳеч қачон тинчлик-осойишталик, хонадонларимиздан файзу барака аримасин!

Оллоҳ таолонинг ўзи барча ишларимизнинг барорини берсин.

Янги йилда ҳамма экинлардан ҳосилимиз янада мўл, хирмонимиз ҳар қачонгидан юксак бўлсин!

Ўзбек замини, ўзбек деҳқони доимо бор бўлсин, омон бўлсин, унга ҳаммиша улғу зафарлар ёр бўлсин!

Яна бир бор барчангизга катта раҳмат.

СУВ РЕСУРСЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ – БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ АСОСИ

Р.А. Мамутов - Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги сув ҳўжалиги объектларидан фойдаланиш ва капитал қурилиш бош бошқармаси бошлиғи

Ривожланишнинг бугунги босқичида мавжуд сув ресурсларини барқарор бошқариш ва улардан самарали фойдаланишни таъминлаш – бутун дунёда минтақалар ва мамлакатларнинг барқарор иқтисодий тараққиётининг муҳим асосини ташкил этувчи масалалардан бирига айланди. Мазкур масала бугунги кунда умумий фойдаланиётган сув ресурслари миқдорининг атиги 20% ўз ҳудудида шаклланиб, қолган 80% эса қўшни давлатлар ҳудудидан трансчегаравий дарёлар орқали катта харажатлар ҳисобига етказиб бериладиган мамлакатимизда ҳам ўта долзарб масала ҳисобланади. Яқин келажақда сувга ўсиб бораётган талабларни - сув ресурслари бошқарувини такомиллаштириш, улардан фойдаланишни оқилонлаштириш ва ички захираларни топиш ҳисобига қондириш мумкин. Шунинг учун чекланган сув ресурсларидан фойдаланиш самардорлигини ошириш бўйича республикада катт ҳажмдаги ишлар олиб борилмоқда. Қўйида мазкур йўналишда жорий йилнинг 9 ойи мобайнида амалга оширилган ишлар натижалари тахлили келтирилган.

Республика вилоятларида чекланган сув миқдоридан фойдаланиш. Жорий йилнинг 1 октябр ҳолатига барча сув омборларида **11076 млн.м³** сув захираси бўлиб, бу ўтган йилдагидан 2523 млн.м³ га кўп (2016 йилда 8553 млн.м³) ресурслари тўланишига эришилди.

